



Темур салтанатининг парчаланиш белгилари кўзга ташланиши билан Туркистоннинг шимолидаги Дашти Кипчокда (Волга Дарёси куйи ирмоқларининг шаркий кесими билан Сирдарё куйи ирмоқлари орасидан то Жанубий Сибиргача бўлган жойлар), Транс Оксаниянинг (Амударё ва Сирдарё хавзаси) ҳокимиятини қўлга киритиш учун ўзбекларнинг сиёсий ҳаракатлари бошланди. Ўзбекларнинг 1428 йилдан хони бўлган Шайбонийхонга уруғдош бўлмиш Абулхайрхон (1412 - 1468) темурийларнинг ички ишларига аралаша бошлади. Ўзбеклар 1430 - 1431 йилларда Хоразмни ишғол этдилар, фақат шу йилларда яна орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Улар 1451 - 1452 йилларда Абусаиднинг тарафини олмок бахонасида темурийлар орасидаги салтанат гавголарини қўллаб-қувватладилар. Бу ёрдам натижасида Абусаид Абдуллохни тахтдан йикитишга муваффақ бўлди ва темурийлар салтанатининг бир қисмига ҳукмрон бўлди. Ўзбеклар Абулхайрхон бошчилигида 1428 - 1429 йилларда Жанубий Сибирдаги Тўра шаҳрини забт этдилар ва 1446 йилга қадар бу шаҳарни ўзбекларга тошкент қилдилар (Тўгоннинг фикрича, 136-бет. Ўзбеклар (мангит уруғи) Олтин Ўрдадан ажралгач, Тобол ва Ишим дарёлари бўйларида яшадилар. Бу ерда шаҳар, қалъа ва кишлоқлар бунёд қилиниб, уларга Тура деб ном берилди. Абулхайрхон томонидан забт этилиб, ҳукумат марказига айлантирилган шахдрнинг қайси бири «Тура»лиги аниқланмаган, балки бу ҳозирги Қурган шахридир? Бу шахдр Тобол қирғоғида бунёдга келган. Аҳмедовга қўра Тура шаҳри Тура дарёси бўйида эди.). Абулхайрхон 1446 йилда ҳукумат марказини Сирдарё бўйидаги Сигноқ шаҳрига қўчирди. Бу шаҳар 1468 йилларгача ўзбекларнинг бошкенти бўлиб қолди. Абулхайрхон бошчилигидаги ўзбекларнинг қудрати қалмоқларга қарши 1446 йилдаги Сигноқ жангидаги мағлубиятдан сўнг заифлаша бошлади. Ўзбекларнинг бир қисми, Абулхайрхонга хайрихоҳ бўлмаганлари ўз ўзбек жамоасини тарқ этдилар. Бу

Ўзбеклар бора-бора козоклар(Barthold, V, 189-90 б: «Козок халки XV юз йилликда ўзбекларнинг бир кисмини ташкил килар эди. П. П. Иванов, Очерки по истории Средней Азии XVI века середина XIX века, Москва, 1958, 38-6: «Ўзбеклар билан козоклар ўртасида XVI асрда на этнографик ва на бошка жихатдан фарк йўқ эди». А. И. Чулошникова фикрича, Очерки по истории казак-киргизского народа. Оренбург, 1924.108-6.: Козоклар ва ўзбеклар бир элат эди. М. Тинишпаев. Материалм к истории киргиз-казакского народа, Ташкент, 1925, 31-41 б: Козоклар XIII асрдаёктарих майдониға чикканлигини исботлашға уриниш бор. Санжар Асфандиёров, История Казахстана, 1., Алма-Ата, 1935, 75-6.: Ўзбеклар 90 уругдан ташкил топганлигини ва улар орасида козок уруглари хам борлигини маълум килади. «Козок» сўзи хдкида каранг: В. Hay it, Dienationalen Regierungen Von Kokand und der Alasch-Orda, 4-6: «Ички Осиё туркларининг алохида-алохида халк бўлиб парчаланиши шундай кечди. Бу парчаланиш Ўрта Осиё туркчилигининг ўзига хос хусусияти бўлиб юз йиллар давом этиб келди. Хозир хдм ўзбеклар ва козоклар бирлиги кўрсатилмокда. Каранг: В. Hayit, Sowgetrussische Orientpolitik, 96-97-бет.) деб номландилар. Абулхайрхоннинг вафотидан сўнг ўзбеклар Туркистон худудида ҳокимият сохиби бўлиш имкониятини йўкотдилар. Чунки айна чоғда 1468 йилдан хонларнинг ўлими ўзбекларнинг кўчман-чи империясининг хам сўнгги эди(Абулхайрхоннинг тарихи хакида ва ўзбекларнинг илк давлатига доир каранг: Б. Ахмедов, Государство кочевшхузбеков, 1965; Иванов, 21-39-6.). Хар холда, бу ўзбеклар Туркистонга юришдан мутлако воз кечди, деган хулосаға олиб келмайди. Ўзбекларнинг сиёсий хаётида Абулхайрхоннинг Аштархондаги жияни Мухаммад Шайбоний янги бир давр бошлади. Мухаммад Шайбоний Бухороға кочган темурий Вали Ахмад Мирзо Абдулалӣ Тархоннинг химоясига олинган ва машхур Мавлоно Мухаммад Хитойнинг шогирди бўлган эди. Устози унда илм ва шеърятға кизиқиш уйготди. У темурийларнинг ички заифлигини кўрар экан, унда салтанатға эғалик килиш орзуси пайдо бўлди. Козок хони Бурундукка (1480-1511) карши урушда уни енгди. Тахминан 1490 йили Шайбоний Ясса шахри хукмдори бўлди. У бу ерда ўзбек бирлигини ташкил килиб, темурийларға карши уруш бошлади. Шайбонийнинг харбий кучлари 1500 йилда Самаркандни кўлга киритдилар. Самарканддаги зафар темурийлар салтанатини тугатишда унга катта жасорат бағишлади. 20 май 1507 йилда Хиротни забт этиш билан максадига эришгандай бўлди. Шайбоний Хиротда «Замонининг Имоми ва рахмдил Оллохнинг халифаси» деб эълон килинди(Шайбонийхон куйдирган тангаларидаги унвони: «Имомуз замон хдлифатул рахмон Абулфотих Мухдммадуш Шайбоний. Халадаллоху таола мулкиху ва салтанатаху». Каранг: Е. А. Давидович, Нумизматические заметки, Известия АН Таджикской ССР, ООН, 1968, No3,82-6.). 1510 йили Шох Исмоилға карши Марвдаги жангда енгилди. Шох Исмоил хам бир турк бўлиб, Эроннинг катта бир кисми, Озарбайжон ва араб мамлакатларининг хукмдори эди(Herman Vambery, Yeschichte Bocharas oder Transoxaniens, Stuttgart, 1872, 57-6.). Ўзбекларға карши урушда темурий шахзодалардан таси жон таслим килди. Шайбоний эса Эроннинг турки хукмдори Шох Исмоилға карши бошлаган урушида халок бўлди(Шайбонийхон ва унинг ўзбек салтанати хакида каранг: «История народов Узбекистана, Ташкент, 1947, 27-49-6. (бир томонлама ёндашилган); Vambery, 56-57 б. Barthold, II, 545-548-6.; А. А. Семенов, Шейбанихан и завоевание империи тимуридов, «Материалм по истории таджиков и узбеков Средней Азии», I, Сталинабад., 1954, 39-83 б.; Emonuel Sarkisyanz, Yesehiehte der orientalisehen Volker Russiand bis 1917, Munchen, 1961,183-186 6.). Шайбонийхон Каспий денгизнинг Шаркий сохилидан Шаркий Туркистонға кадар ва Сирдарёдан

Афғонистонга қадар чўзилган марказлаштирилган ўзбек салтанати тузишга муваффақ бўлди. Шайбонийхоннинг ўлими ўзбек турклари императорлигининг сўнгги деган гап эмас эди. Шайбонийхон ўрнига 1510 - 1530 йиллар давомида ҳукмронлик анча иқтидорли Кўчинчихон кўлига ўтди. Ундан ҳокимият ўгли Абусаидга (1530 - 1533) ундан эса ҳокимият Шайбонийхоннинг невараси Убайдуллахонга (1533 - 1539) тегишди. Ўзбеклар тарихида ислом ҳукукини давлат идораларига татбиқ қилган Убайдуллахон бўлди. У салтанатнинг бирлиги ва бутунлигини муҳофаза этишга муваффақ бўлди. Фақат олти ой ҳукмронлик қилган Абдуллахон (1539 - 1540) даврида эса тахт учун кураш бошланди. Ўзбекларнинг Самарқанддаги хони Абдуллатиф (1540 - 1541) ва Бухоро султони Абдулазизхон (1540 - 1549) ўзаро қелиша олмасдилар. Ҳар бири ўз ҳолича ҳаракат қилишарди. Бу ҳолат салтанат учун бошланган чексиз курашларга сабаб бўлдики, оқибатда 1551 - 1588 йиллар орасида кўплаб хонлар алмаштирилди (1551 йилдан 1582 йилгача ўзбек салтанатларининг хонлари Қуйидагилар бўлди: Наврўз Аҳмадхон (1551-1556); Пирмуҳаммад-хон; Искандархон (1551дан бошлаб), История Узбекской ССР. Т. I, Ташкент, 1967, 519-бет; Ризо Нурга кўра, «Turktarixi», IV., 320-6. Шайбонийхон хонадони хонлари: Бурхон (1551-1555). Абдуллох Баҳодирхон (1557-1597)лардир.). Ўзбеклар билан қозоқлар орасидаги ғавго ҳам давом этди. Фақат II Абдуллахоннинг (1557 -1598) Бухоро султони ва ҳарбий кўмондони сифатидаги муваффақияти ҳамда унинг 1583 йилда салтанатнинг хони сифатида сайланиши ўзбеклар орасидаги парчаланиш белгиларини бартараф эта билди. Бироз вақт ўз мустақилликларини эълон қилган Шахрисабз, Қарши, Хисор, Балх, Тошкент, Самарқанд, Бадахшон, Хирот ва Хоразм бекликларини 1574 дан 1598 йилга қадар ўз ҳокимиятига бўйсундирган II Абдуллахон бу ерларни ўз салтанатига қайта бирлаштиришга муваффақ бўлди. Ҳиндистон ҳукмдори Акбар билан дипломатик муносабат ўрнатиб ҳамда унинг диққатини Ҳиндистон-Туркистон савдо муносабатларини тиклашга тортиш билан Абдуллахон тегишлик билан шайбонийлар орасидаги қелишмовчиликка хотима беришга муваффақ бўлди. Эрон ҳавфини бартараф этмок мақсадида Усмон салтанатлиги билан муносабат ўрнатди.

II Абдуллахон Шайбоний хонадонининг асосчисидан кейинги, шубҳасиз, Туркистоннинг энг буюк шахсларидан биридир. Зеро, у фақат салтанатнинг яхлитлигини муҳофаза қилишигина эмас, балки илм ва адабиётнинг ташвиқоти ҳамдир. Унинг даврида сугориш иншоотлари, кўприklar, мадрасалар ва қарвонсаройларнинг қурилишига катта эътибор берилди (II Абдуллахон ҳақида қаранг: Barthold II, 487-488-6.).

II Абдуллахоннинг вафотидан сўнг, 1599 йилда ўгли Абдулмумин тахтга ўтирди. У ўғай биродари томонидан қатл қилинди. Ўзбек императорлигида қелишмовчилик, низо бошланди. Эрон шоҳи Шох Аббос Хоразмни ишғол қилди. Қозоқ хони Таваққал Самарқандни ишғол қилди ва Бухорога муваффақиятсиз юриш қилди. Шайбоний хонадони шахзодалари орасида қим хон бўлиб сайланиши ҳақида бирлик йўқ эди. Беклар 1554 йилда Бухорода паноҳ топиб, Абдуллахоннинг синглисига уйланган Аштархонли Султон Жонибекни тахтни эгаллашга таклиф қилдилар ва рад жавобини олдилар. Шу сабабдан унинг укаси Боқи Муҳаммад 1601 йилда хон бўлиб сайланди. Бу билан 10 хон берган Шайбоний хонадони сулоласига барҳам берилиб, аштархонийлар хонадони сулоласи даври бошланди (Riza Nur, 318-6.).

Аштархонийлар хонадони (1601-1753) 9 нафар хон берди (Riza Nur бўйича (343-6) Аштархон хонлари (аштархонийлар); Динмуҳаммад (1597-1598) (бу зот Хуросондан Бухорога ўтиш вақти-да эронликларга қарши урушда ҳалок бўлганлиги сабабли тож қия

олмади); Боки Мухаммад (1598-1605), Вали Мухаммад (1605-1611), Имомкули (1611-1640), Нодир Мухаммад (1640-1647), Абдулазиз (1647-1680), Субхонкули (1680-1702); Абдулло (1702-1717), Абулфайз (1714-1740)лардир. Аштархонийлар тарихи Мухаммад Юсуф Мунший, Тарихи Муқимхони, (Русча таржимаси ва изохдар А. А. Семёновники), Тошкент, 1956. Бартольдга кўра Абдулазизнинг хонлик даври 1645 - 1680 йилларга тўғри келади. «Fundamenta Turelca» га кўра унингхонлик даври 1711-1747 йиллардир.) ва Шайбоний хонадонидан қолган меросни муҳофаза этишга киришди. Фақат бекларнинг манманлиги туфайли муваффақиятсизликка учради. Чунки беклар ўзларининг кичик ерларида ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қилар эди. Амударё ва Сирдарё орасидаги давлатнинг бирлигини бир дафъа қўлга кирита олган шахс Абулфайзхондир (1645-1685). Эрон шоҳи Нодиршоҳ (1736-1747) 1740 йилда Бухорони ишғол этгач, Абулфайзхонни ўзига тобе қилиш билан аштархонийлар сулоласига инкироз тамғасини босгандай бўлди. Нодиршоҳ вафотидан сўнг аштархонийлар хони Абулфайзхон 1747 йилда ўлдирилди. Қарши шаҳри атрофида яшовчи ўзбек-мангит уруги бошлиғи Мухаммад Раҳим оталик 1740 йилдан бери давлат идораси масалаларида муҳим бир ўрин тутар эди. Абулфайзхоннинг қатлидан сўнг унинг 9 яшар ўғлини (1747-1748), кейин Убайдуллохони (1748-1752) тахтга чиқарди. Давлат сиёсатини шахсан ўзи бошқарган Мухаммад Раҳим оталик 1753 йилда Бухоро тахтига расман чиқди. Бу ҳодиса 1920 йилгача давом этган мангит хонадони даврининг бошланиши ва 1753 йил аштархонийлар сулоласининг сўнгги эди. Мухаммад Раҳим оталик «хон» унвонидан воз кечиб, «амир» унвонини олди. Шу билан бирга мангит хонадони Туркистон ва унинг атрофида ягона бир қуч эмасди. Чунки Шайбоний хонадонига мансуб ерлардан фақат кичик бир Бухоро амирлиги тузилиб, қолган қисмлар эса ҳаммаси мустақилликка эга эди. Яна бундан авваллари бўлгани каби (Темурнинг ўлиmidан сўнг баъзи бекларнинг мустақиллик учун саъй-ҳаракатлари анча қучли эди. Мамлакатнинг яхлитлиги учун сабр, тоқатли, бошқаларнинг ҳукмдорлигига чек қўядиган даражада ўзида қуч ҳис этган ҳукмдорлар гайрат кўрсата олмадилар. Мухаммад Шайбонийхон вафотидан кейин ҳам ўзбошимча ҳаракатлар давом этди. Ҳоразм ўз мустақиллигини эълон этди, Бурундукхон бошчилигида ўз давлатларини қурмок учун бўлган натижасиз ҳаракатлардан сўнг Чу водийси ва дашт ўзбек-қозоқлари 1475 йилдан бери ўз ҳолича ҳаракат қилар эдилар. XVI асрда Шарқий Туркистонда хўжалар қучайиб, сиёсатнинг ҳал қилувчи қучи бўлиш ташаббусини бошладилар(Тинишпаев, 46-6.).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан